

“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ички аудитни амалга ошириш ТАРТИБИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур тартиб ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими” (*кейинги ўринда – ISO 37001:2016*), ISO 19011:2018 “Бошқарув тизимларинг аудитининг ўтказиш бўйича кўрсатмалар” халқаро стандартларининг талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ички аудитни (*кейинги ўринда – ички аудит*) режалаштириш, ўтказиш, ички аудит натижаларини умумлаштириш ва тайёрлаш тартибини, шунингдек, ички аудит ўтказиш учун ресурсларни, масъулларни ва ваколатларни ҳамда ички аудиторларга қўйилган талабларни белгилайди.

2. Ушбу Тартиб “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти (*кейинги ўринда – Комбинат*) Бошқармасига тадбиқ қилинади. Ички аудит Комбинатнинг малакали ходимлари томонидан ёки бошқа ваколатли шахслар томонидан ўтказилиши мумкин.

3. Мазкур тартибда қуйидаги асосий тушунчалар ва атамалардан фойдаланилади:

Ички аудит – аудит мезонлари қай даражада бажарилганлигини аниқлаш мақсадида, объектив далилларни олиш ва уларни объектив баҳолаш учун тизимли, мустақил ва ҳужжатлаштирилган жараён.

Ички аудит мезонлари – ҳақиқий фаолиятни ва объектив далилларни солиштиришда мўлжал сифатида қўлланиладиган сиёсат, процедуралар (тартиблар) ва талаблар мажмуаси (тўплами).

Аудитор – ички аудитни ўтказиш учун чуқур билим ва малакага эга бўлган шахс.

Хавф-хатар – маълум бир ҳодиса ёки ҳолатнинг Комбинатнинг молиявий фаолиятига салбий таъсир кўрсатиш эҳтимоли.

4. Мазкур тартиб талабларини амалга оширилишини Комплаенс хизмати назорат қилади.

5. Комбинат Бошқармасининг барча бўлим, бошқарма, бюро ва хизмат раҳбарлари мазкур тартибнинг талабларини тадбиқ этилишига шахсан жавобгар ҳисобланади.

6. **Ички аудитни амалга ошириш жараёнининг тавсифи** 1-иловада келтирилган.

7. **Ички аудитни амалга ошириш жараёнида расмийлаштириладиган ҳужжатлар рўйхати** 2-иловада келтирилган.

2-боб. Ички аудитни амалга ошириш жараёнининг тавсифи

8. Ички аудитни режалаштириш ҳар йили амалга оширилади.

Ички аудит дастури 3-иловага мувофиқ тузилади. Ички аудит дастурини тузиш вақтида қуйидаги талабларни ҳисобга олиш керак:

- ISO 37001:2016 стандартини талабларини тегишли бандлари асосида текшириш;

- ISO 37001:2016 стандарти қўлланилиши соҳасига кирувчи барча бўлимларни текшириш.

Режалаштириш жараёнлар ва жорий қилиш доираси муҳимлиги ва мавқеини ҳисобга олган ҳолда ҳамда ўтган аудитлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

9. Ички аудиторларга қўйиладиган талаблар.

Ички аудит учун буйруқ асосида ички аудиторлар гуруҳи тайинланади ва улар хабардор қилинади. Ички аудитни ўтказиш учун ISO 37001:2016 стандартлари талабларини, меъёрий ҳужжатларни ва жамият фаолиятини биладиган, аудит усуллари бўйича ўқитилган ва сертификатга эга ходимлар ички аудиторлар сифатида жалб қилинади.

Ички аудитни бевосита текширилаётган таркибий бўлимга алоқадор бўлмаган ички аудиторлар олиб боради.

Ички аудиторлар 4-иловада келтирилган мезонлар бўйича баҳоланиши лозим.

3-боб. Ички аудитни ўтказиш

10. Ички аудит ўтказишдан камида бир ҳафта олдин **5-иловага мувофиқ Ички аудит режаси** тузилади ва аудит ўтказиш муддати ҳақида текширилувчи бўлим раҳбарларига хабар берилади.

Ички аудит режасини тузиш вақтида ўтган ички аудит натижалари бўйича аниқланган номувофиқликларни бартараф қилиш чоралари кўрилганлиги ва уларнинг самарадорлиги баҳоланиши лозим.

Комбинат раҳбарияти ёки Кузатув кенгаши аъзоларининг топшириғига биноан режадан ташқари ички аудит ўтказилиши мумкин. Коррупциявий ёки бошқа қонунбузилиш ҳолатлари аниқланганда ёхуд шунга доир муружаатлар келиб тушганда, режадан ташқари ички аудит Комплаенс хизматининг ташаббуси билан ўтказилиши мумкин. Ички аудит дастурини ва режасини тузиш Бош аудитор зиммасига юклатилади.

11. Ички аудит ўтказиш вақтида қўйидагилар текширилиши керак:

- Ўтган ички аудит натижалари бўйича аниқланган номувофиқликларни бартараф қилиш чоралари кўрилганлиги ва уларнинг самарадорлиги;

- ISO 37001:2016 бўйича ҳужжатлар юритилиши;

- Комбинат фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ва бошқа меъёрий талабларга мувофиқлиги;

- Комбинатнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати ёки ISO 37001:2016 талабларининг бузилиши;

- контрагентлар томонидан Комбинат билан муносабатга киришишда коррупциявий ҳолатларга йўл қўймаслиги;

- ISO 37001:2016 даги заиф тарафлар ва такомиллаштиришга қаратилган имкониятларнинг мавжудлиги.

Ички аудит ўтказиш вақтида маълумот тўплаш, сўров (суҳбат), фаолиятни кузатиш, ҳужжатлар таҳлил қилиш усуллари орқали амалга оширилади. Ички аудит жараёнида аудиторлар томонидан тўпланган маълумотларни **6-иловада келтирилган намунавий сўровнома** шаклидан фойдаланилган ҳолда қайд қилишлари тавсия этилади.

12. Ички аудит ўтказиш вақтида ISO 37001:2016 бўйича номувофиқлик аниқланганда **7-иловада келтирилган шаклга кўра Номувофиқлик баённомаси** расмийлаштирилади. Номувофиқлик аниқланган бўлим раҳбари ички аудиторлар билан биргаликда ушбу номувофиқликларни бартараф қилиш чораларини ишлаб чиқади ва уни бажариш муддатини бош аудитор билан келишади.

13. Номувофиқлик аниқланган бўлим/бўлинма ва бошқа масъул бўлим раҳбари аниқланган номувофиқликларни белгиланган муддатдан кечиктирмай, бажарилишини таъминлаши шарт. Аниқланган номувофиқликлар бартараф қилинмаса ёки ўз вақтида бартараф қилинмаса, айбдор ходимларга нисбатан жазо чоралари қўллаш учун асос ҳисобланади.

14. Аниқланган номувофиқликлар бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар бош аудитор томонидан қабул қилингандан сўнг, назоратдан ечилади.

4-боб. Ички аудит бўйича ҳисобот тайёрлаш

15. Ички аудит тугагандан сўнг зудлик билан бош аудитор аудиторлар иштирокида ички аудит бўйича **8-иловага мувофиқ Ички аудит бўйича ҳисобот** тузади. Ҳисоботда аудит мақсадлари, миқёси, хулосаларни ҳамда ҳар бир аниқланган номувофиқликни бартараф қилишга доир батафсил тавсияларни ўз ичига олиши лозим.

Тавсиялар аниқланган номувофиқликлар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларининг қисқача изоҳини, мавжуд таваккалчиликларни, талаб этиладиган чора-тадбирларни, жумладан, Комбинат ички сиёсатлари ва тартиб-таомилларини кўриб чиқишни, чора-тадбирларни бажариш муддатларини ва ижрочиларни ўз ичига олиши лозим.

16. Ички аудит режаси, ички аудит ўтказиш вақтидаги қўл ёзма ёзувлар, таҳлилий материаллар, сўровномалар ва бошқа ҳужжатлар ички аудит бўйича ҳисоботга илова ҳисобланади.

17. Ички аудит бўйича ҳисобот таҳлил қилиш мақсадида Комплаенс хизмати тақдим қилинади, Комплаенс хизмати томонидан таҳлил қилингандан сўнг Комбинат раҳбариятга тақдим қилинади.

18. Комплаенс хизмати текшириш жараёнида аниқланган камчилик ва қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ўз вақтида ва тегишли равишда бажарилиши устидан кейинги назоратни ўрнатиши лозим.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

19. Мазкур Тартиб талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

20. Ушбу Тартибнинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

“ИШЛАБ ЧИҚДИ”

Комплаенс хизмати Халқаро стандартларни жорий этиш ва методологияси бўйича ходим

Ш.Ш. Шуҳратов

“КЕЛИШИЛДИ”

Комплаенс хизмати бошлиғи

Р.Ф. Авезов

Ички аудитни амалга ошириш жараёнини тавсифи

№	Чора-тадбир номи	Асос	Масъуллар	Расмийлаштириладиган ҳужжатлар
1.	Ички аудит дастурини тайёрлаш	ISO 19011:2018	Комплаенс хизмати, аудиторлар	Ички аудит дастури
2.	Бош аудитор ва аудиторларни тайинлаш		Комбинат раҳбарияти, COMPLAENS хизмати	Аудиторларни чуқур билимга эгалигини (компетентлигини) баҳолаш шакли. Буйруқ.
3.	Ички аудит режасини ишлаб чиқиш	ISO 37001:2016 ISO 19011:2018	Бош аудитор, COMPLAENS хизмати	Ички аудит режаси
4.	Ички аудитни ўтказиш	ISO 37001:2016 ISO 19011:2018	Бош аудитор, аудиторлар	Ички аудит сўровномаси, Номувофиқлик баённомаси
5.	Ички аудит ҳисоботини тайёрлаш, келишиш, тасдиқлаш ва раҳбариятга тақдим этиш		Бош аудитор, аудиторлар, COMPLAENS хизмати	Ички аудит ҳисоботи
6.	Аниқланган номувофиқликларни бартараф қилиш чораларини кўриш		Комплаенс хизмати, аудиторлар, барча масъул бўлим бошлиқлари	Номувофиқлик баённомаси
7.	Аниқланган номувофиқликларни бартараф қилишини назорат қилиш ва самарадорлигини баҳолаш	ISO 37001:2016	Аудиторлар, COMPLAENS хизмати	Номувофиқлик баённомаси

**Ички аудитни амалга ошириш жараёнида расмийлаштириладиган ҳужжатлар
РЎЙҲАТИ**

№	Расмийлаштириладиган ҳужжатлар номи	Юритиш/сақлашга жавобгар	Сақлаш		Муомиладан чиқариш тартиби
			Жойи	Муддати	
1.	Ички аудитлар дастури	Комплаенс хизмати	«КҚКМТ Ҳужжатлари» папкаси	3 йил	Архив
2.	Аудиторларни чуқур билимга эғалигини баҳолаш шакли	Комплаенс хизмати	«КҚКМТ Ҳужжатлари» папкаси	3 йил	Архив
3.	Ички аудит режаси	Комплаенс хизмати	«КҚКМТ Ҳужжатлари» папкаси	3 йил	Архив
4.	Сўровнома	Комплаенс хизмати	«КҚКМТ Ҳужжатлари» папкаси	3 йил	Архив
5.	Номувофиқлик баённомаси	Комплаенс хизмати	«КҚКМТ Ҳужжатлари» папкаси	3 йил	Архив
6.	Ички аудит бўйича ҳисобот	Комплаенс хизмати	«КҚКМТ Ҳужжатлари» папкаси	3 йил	Архив

Ички аудит дастури

№	Текширилаётган бўлим / бўлинма	Ойлар											
		Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр
1.													
2.													
3.													
4.													
5.													
6.													
7.													
8.													
9.													
10.													
...													

Комплаенс хизмати бошлиғи

Аудиторларга қўйилган минимал талаблар

Номи	Ички аудит тартибини билиши			ISO 37001:2016 билиши			ISO 19011 билиши			Жамият фаолиятини билиши			Ҳужжатлар билан ишлаш малакаси			Иш тажрибаси, (йил)			Маълумоти			Аудитор сифатидаги тажрибаси (аудитлар сони)			
	аъло	ўрға	қониқарли	яхши	ўрға	қониқарли	аъло	ўрға	қониқарли	аъло	ўрға	қониқарли	аъло	ўрға	қониқарли	>5	1-3	< 1	олий	ўрға-махсус	ўрға	>3	1-3	йўқ	
Даражаси																									
Бош аудитор	+			+				+			+			+			+		+				+		
Аудиторлар	+				+				+			+				+			+						+
Ф.И.Ш																									

Ички аудит режаси

Стандарт:	
Қўлланиш соҳаси:	
Аудит мақсади:	
Аудит мезонлари:	
Аудит санаси:	
Бош аудитор:	
Аудитор(лар):	

№	Сана/ вақти	Бўлим / бўлинма	Алоқадор шахс (лавозими и Ф.И.Ш.)	Аудитор(лар)	Стандарт Бандлари
1.					
2.					
3.					
4.					
5.					
6.					
7.					
8.					

Эслатма: Режада белгиланган вақт тахминий ҳисобланади ва ўзгариши мумкин.

Бош аудитор

Комплаенс хизмати Халқаро стандартларни
жорий этиш ва методологияси бўйича ходим

ISO 37001:2016 ПОКМТНИНГ ИЧКИ АУДИТИНИ ЎТКАЗИШ УЧУН НАМУНАВИЙ НАЗОРАТ
СЎРОВНОМАСИ (ТЕКШИРИШ ВАРАҚАСИ)

Текширилаётган бўлим: _____			№ _____	
Аудит мақсади: <i>ISO 37001:2016 стандарти ва ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини текшириш</i>			Аудит ўтказиш санаси:	
Баҳолаш кодлари: М – мувофиқлик, Н – номувофиқлик (тизимли бузилиш), Т - тавсия				
№	ISO 37001	Саволлар мазмуни	Баҳолаш	Изоҳ
1	4.1	Ташкилотингиздаги тизимнинг ишлашига таъсир қилувчи қандай ички ва ташқи омиллар мавжуд? Уларни санаб беринг		
2	4.2	Сизнинг ташкилотингизга кимлар манфаатдор томонлар ҳисобланади? Сиз манфаатдор томонлар талабларига қандай жавоб берасиз? Қандайдир усул (метод) мавжудми? Ташкилотингиз учун қандай манфаатдор томонлар талаблари мажбурийдир?		
3	4.3	Бошқарув тизимнинг қўлланилиш соҳаси ва чегаралари қаерда тасвирланган (берилган)?		
4	4.4	Сизда бошқарув тизимини бошқариш жараёни тасвирланганми?		
5	4.5	Коррупцияга оид хавфлар аниқланганми? Қандай меъзонлар (критерия) ёрдамида баҳолайсиз? Ҳар қанча вақтда таҳлил олиб борасиз		
6	5.1	Сизда бошқарув органи борми? Бошқарув органи ёки юқори раҳбарият бошқарув тизимнинг ишлаши учун қандай ресурсларни ажратади? Юқори раҳбарият бошқарув тизимининг ҳолати тўғрисида бошқарув органига қандай ҳисобот ва ҳар қанча вақтда ҳисобот беради?		
7	5.2	ISO 37001:2016 бўйича сиёсатнинг борми? <i>Сиёсатнинг</i>		

		<p><i>стандарт бандларига мувофиқлигини текширинг.</i> Ким тасдиқлади? Бошқарув тизими сиёсатининг мавжудлигини қандай таъминлайсиз?</p>		
8	5.3	<p>ISO 37001:2016 бўйича сизда белгиланган мажбурият ва жавобгарликлар борми? Коррупцияга қарши кураш хизматига кимлар киради? Уларнинг фаолияти, мажбурият ва жавобгарликлар қаерда тасвирланган? Юқори раҳбарият ёъқлигида ким қарор қабул қилади?</p>		
9	6.1	<p>ISO 37001:2016 га коррупциявий хавфнинг номақбул таъсирини камайтириш учун қандай чоралар кўряпсиз? Ушбу ҳаракатларнинг самарадорлигини қандай баҳолайсиз?</p>		
10	6.2	<p>Ташкилотда ISO 37001:2016 га оид мақсадлар белгиланганми? Мақсадларнинг стандарт бандига мувофиқлигини текширинг. Уларнинг яқунланиши бўйича назорат (мониторинг) олиб бориладими?</p>		
11	7.1	<p>Ташкилот ISO 37001:2016 ни жорий этиш, қўллаб-қувватлаш ва доимий равишда такомиллаштириш учун қандай ресурсларни тақдим этади? <i>Мисоллар келтиринг ёки тегишли ҳужжатларни тақдим этинг</i></p>		
12	7.2	<p>Ташкилот ходимларининг малакаси ва зарур лаёқати учун долзарб (актуал) талаблар мавжудми? <i>Тегисли ҳужжатлаштирилган маълумотларни тақдим этинг</i> Ишга қабул қилиш тартибингиз борми? Меҳнат шартномасида коррупцияга қарши сиёсатга риоя қилиш талаблари мавжудми? Ишга қабул қилишда номзодларни қандай текширасиз?</p>		

		Рағбатлантириш ва бонус тўловлари белгиланган стандартларга мос келадими? Коррупцияга қарши сиёсатга мувофиқлик декларациясини тўлдириш учун қайси лавозимлар талаб қилинади?		
13	7.3	Ходимларни ISO 37001:2016 стандарти бўйича ўқитганмисиз? ISO 37001:2016 бўйича тренингни ҳар қанча вақтда ўтказасиз Сизда ўқув дастури борми? Ташкилот номидан иш олиб борадиган бизнес шериклар учун ISO 37001:2016 бўйича тренинг ўтказиладими?		
14	7.4	Алоқа (коммуникация) учун усуллар қандай қўлланилади (ички ва ташқи)? Коррупцияга қарши сиёсатнинг мавжудлиги қандай таъминланади?		
15	7.5	Ҳужжатлаштирилган маълумотларни бошқариш механизми борми? Жараёнлар, процедуралар, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатлаштирилган маълумотларнинг долзарблигини (актуал) қандай таъминлайсиз?		
16	8.1	Жараёни бошқариш учун қандай усуллар мавжуд? Жараёнга тегишли меъзонлар борми? Режалаштирилган ва режалаштирилмаган ўзгаришларнинг оқибатлари бўйича қандай чоралар кўрасиз? Аутсорсинг жараёнларини қандай бошқарасиз?		
17	8.2	Қай тарздаги жамоавий текширувларни ўтказгансиз? Уларининг натижаси бўйича қайдай чоралар кўргансиз?		
18	8.3	Ташкилотда молиявий назорат ўтказилганми? Тўлов ташаббускори тўловни ўзи амалга ошириши мумкинми? Тўловни мувофиқлаштириш бошқичлари борми?		
19	8.4	Битимлар ва сотиб олиш жараёни назорат қилинадими?		

20	8.5	ISO 37001:2016 билан боғлиқ бизнес шерикларини бошқариш механизми борми? Бизнес шерикларидан ISO 37001:2016 ни амалга оширишни қандай талаб қиласиз?		
21	8.6	Бизнес ҳамкорлар коррупцияга қарши сиёсатга қандай риоя қилиш мажбуриятини оладилар? Бу қаерда қайд этилган?		
22	8.7	Совғалар, хайр-эҳсонлар ва миннатдорчилик белгиларини бошқариш буйича ўрнатилган тартиб борми?		
23	8.8	Битимлар ёки бизнес шерикларга нисбатан коррупцияга қарши чоралар самарасиз бўлган ҳолларда қандай ностандарт чораларни кўрасиз?		
24	8.9	Коррупция ҳақида шубҳа ҳақида хабар бериш тартиби борми? Ушбу тартибҳақида хабардорликни қандай таъминлайсиз?		
25	8.10	Коррупцияга оид ишларни юритиш ва тергов қилиш тартиби борми? Терговни ким олиб бормоқда?		
26	9.1	Фаолият кўрсаткичларини қандай баҳолайсиз? Сиз нимани текширяпсиз? Мониторинг усуллари қандай?		
27	9.2	Сизда ички аудит ўтказиш тартиби (процедура) борми? Сизда қанча ички аудиторлар бор? Сизда аудит дастури борми?		
28	9.3	Юқори менежмент томонидан ISO 37001:2016 таҳлилини ҳар қанча вақтда ўтказасиз? Бошқарув органи томонидан ISO 37001:2016 таҳлилини ҳар қанча вақтда ўтказасиз? Чиқиш маълумотлари қандай шаклда тақдим этилади? <i>Кириш ва чиқиш маълумотларининг мувофиқлигини текширинг</i>		
29	9.4	ISO 37001:2016 коррупцияга қарши кураш хизмати томонидан таҳлил қилиняптими?		

		Таҳлил қандай шаклда амалга оширилади ва кимга тақдим этилади?		
30	10.1	Сизда номувофиқликларни бошқариш механизми борми? Номувофиқликларни қаерда қайд қиласиз? Қандай тузатиш (тўғирловчи) чораларини кўрасиз?		
31	10.2	Ташкилот фаолиятини яхшилаш учун қандай имкониятлар мавжуд? ISO 37001:2016 яхшиланишни қандай кўрсата оласиз?		

Аудитор (лар)

Тегириилаётган бўлим раҳбари

	НОМУВОФИҚЛИКЛАР БАЁННОМАСИ № ____	
--	--	--

Жараён / Бўлим:		
Баённома тузилган сана:		
Стандарт банди		
Аниқланган номувофиқликлар (аудитор томонидан тўлдирилади):		
Аниқланган номувофиқликлар келиб чиқиш сабаби:		
Тўғирлаш (Коррекция) (аудитор ёрдамида аудит қилинаётган шахс томонидан тўлдирилади):		
Тўғриловчи ҳаракатлар (аудитор ёрдамида аудит қилинаётган шахс томонидан тўлдирилади):		
Тўғриловчи ҳаракатнинг тахминий тугатиш санаси:		
Ички аудит ўтказилаётган жараён/бўлим раҳбари:	Ф.И.Ш	
	Имзо	
Аудитор имзоси:	Ф.И.Ш	
	Имзо	
Тўғриловчи ҳаракатларни бажарилиши, назорат қилиш ва самарадорлигини баҳолаш бўйича маълумотлар		
Тўғриловчи ҳаракатнинг факт бўйича тугатилган санаси:		
Аудитор имзоси:		

ИЧКИ АУДИТ БЎЙИЧА ҲИСОБОТ

Стандарт:	
Қўлланилиш соҳаси:	
Аудит санаси:	
Бош аудитор:	
Аудитор(лар):	
Текширилган бўлимлар/жараёнлар:	
Ички аудит натижалари:	
Хулоса ва тавсиялар:	

Ишлаб чиқди:

Бош аудитор _____

Сана: _____